

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 72 (10.881)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамкорлигида «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш истиқболлари» мавзuida семинар бўлиб ўтди.

●Термиз шаҳрида дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан келган полвонлар иштирокида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун аънанавий XIII халқаро турнир ва қизлар ўртасида жаҳон чемпионати яқунлади.

●Тошкентда ЕАРАЗА—Европа-Осиё ҳайвонот боғлари ва аквариумлари ҳудудий уюшмасининг навбатдаги йиллик анжумани бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Россия, Чехия, Украина, Беларусь каби ўндан ортик мамлакатнинг эколог, зоолог, биолог олимлари қатнашди.

●Бугунги кунда ёшлар орасида ўтказилаётган энг йирик лойиҳалардан бири —«Келажак овози» иқтидорли ёшлар танловига тайёргарлик доирасида барча вилоятлари боғлайдиган видео анжуман ўтказилди.

●Жиззахда бўлиб ўтган йирик саннат қорхоналарида касаначиликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш мавзuida кўргазмалар семинари давомида касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг 400 нафарига тикув машиналари совға қилинди.

●Бухоро вилояти ахборот-ресурс марказида «Амир Темур ва замонавийлик» мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилди.

●Қарши шаҳрида республика Давлат солиқ қўмитаси БМТ ривожланиш дастури билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш» мавзuida семинар-тренинг уюштириди.

●Самарқанд шаҳрида «Ўзбекистонда автоматик идентификациялаштиришни ривожлантириш масалалари» мавзuida семинар ташкил этилди. Унда GS 1 халқаро штрих кодларининг афзалликлари, унинг махсулот сифатини аниқлашдаги хусусиятлари, товарларни штрих кодлаш тартиблари ҳақида гап борди.

●Бухородаги Абу Али ибн Сино номли санъат саройида «Тонг юлдузлари» танлов-фестивалининг якуновчи босқичи ўтказилди. Тўққиз ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар қатнашган тадбирда вокал, актёрлик, саҳна маданияти, хореография йўналишларида голиблар аниқланди.

## ЖАҲОНДА

●БМТ тинчликпарвар кучлари Суданнинг нотинч ҳудуди саналими Дарфур вилоятига жойлаштирилди. Ар-Ривдда бўлиб ўтган Араб давлатлари лигаси саммитида Судан ҳукумати БМТ билан шу тўғридаги битимга имзо чекишти.

●Эрон маъмурияти ядро дастури доирасида яна иккита атом электр станцияси қуришни режалаштираётгани ҳақида Эрон ядро энергетикаси ташкилоти раҳбарининг ўринбосари Аҳмад Фаёзбахш маълум қилди. Маълумотларга кўра, АЭСларнинг ҳар бири кунига 1,6 минг мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Қурилиш ишлари 2018 йилда якунланади.

●Ироқдаги шиаларнинг диний етакчиси Муқаддас Садр раҳбарлигидаги сиёсий ҳаракат вакиллари Ироқдан Америка қўшинини олиб чиқиш тўғрисида жадвал тузилмагани учун парламент фаолиятида қатнашмасликларини (парламентдаги ўринларнинг 4/1 қисми улarga тегишли) билдиришти.

●2008 йили Хитой поштакти Пекинда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига чипталар сотиш бошланди. Олимпиада ташкилий қўмитаси ижрочи директори Ван Вэй матбуот анжуманида жами 7 миллиондан ортик чипта сотилишини таъкидлади. Энг қиммат чипталарнинг баҳоси 390 доллардан 650 долларгача белгиланган.

●Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ва Исроил Бош вазир Эхуд Ольмерт ўртасида Қуддус шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар чоғида ҳар иккала етакчи Ҳазо секторидида қурол-яроғ контрабандасига қарши ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

●Бағдод шаҳрида фақат бир кун давомида 5 та портлаш рўй бериб, натижада 50 дан ортик киши ҳаётдан кўз юмди, юзга яқин аҳоли эса тан жароҳатларини олди. Шунингдек, шаҳарнинг шимолий ҳудудида ҳавода иккита Америка ҳарбий вертолётининг ўзaro тўқнашиб кетиши оқибатида икки америкалик ҳарбий ҳалок бўлди, беш нафари жароҳатланди.

●Кеча АҚШнинг Виржиния штатидаги технологик университет ҳудудида жойлашган талабалар турар жойида икки соат давомида икки жойдан туриб талабалар ўққа тутилган. Ушбу қабиҳ хунрезлик оқибатида 20дан ортик талаба ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар яраланди. Полиция томонидан амалга оширилган операция чоғида жиноятчилардан бири ўзини-ўзи ўлдирди, иккинчиси эса қўлга олинди. Ҳозирда ушбу воқеа сабаби ва унинг ташкилотчилари аниқланмоқда.

●Кеча Исроилда Холокост қурбонларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МИСРГА ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

2007 йил 17-19 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикаси президенти Муҳаммад Хусний Муборак тақлифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Урашув чоғида томонлар Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар, ўзаро қизиқтирилган қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунлари бўйича турли соҳаларда икки давлат ҳамкорлигини чуқурлаштиришга йўналтирилган қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ЭХРОМЛАР МАМЛАКАТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИНИ ҚУТЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА БУЮРАЖАК РАСМИЙ ТАШРИФИГА МАЗКУР МАМЛАКАТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲОЗИРДАНОҚ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА. ТАШРИФ АРАФАСИДА МИСР МАТЕБУТИДА УШБУ МУҲИМ ВОҚЕА ОЛДИДАН ЎЗБЕКИСТОН — МИСР МУНОСАБАТЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТУРКУМ МАҚОЛАЛАРИНИНГ ЧОП ЭТИЛГАНИ БУ ФИКРНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.

Авалло шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ОАВ бозори нуктаи назарида Миср араб дунёсида етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу мамлакатда чоп этиладиган нашрлар жуда нуфузли ва оммабоп бўлгани боис кенг ўқувчилар доирасига эгадир.


«Ал-Масайя» («Оқшом») кундалик газетаси «Ўзбекистон араб давлатлари, жумладан Миср билан алоқаларини мустаҳкамламоқда» сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда Ўзбекистон Республикаси араб давлатлари билан алоқаларини фаоллаштириш ва чуқурлаштиришга катта эътибор қаратаётгани, Президент Ислом Каримовнинг Мисрга буюражак расмий ташрифи бунга ёрдамчи бўлиши таъкидланган.

Газетада ёзилишича, ислом маданиятида муҳим ўрин эгаллайдиган Ўзбекистон нафақат ўзи кўшилари ёки араб-мусулмон мамлакатлари билан, балки ҳақонинг барча давлатлари билан муносабатларини тобора ривожлантириб бормоқда. Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон ҳамда Миср ўртасида икки давлат манфаатларига тўла жавоб берадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги ҳамкорлик жадвал ривожланмоқда.

«Ал-Масайя» газетасида чоп этилган «Президент Ислом Каримов ташрифи чоғида қатор битимлар имзоланиши мўлжалланмоқда» сарлавҳали бошқа мақолада эса олий даражада бўлиб ўтадиган ташриф доирасида турли соҳаларда давлатларaro шерикликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича атрафлича фикр алмашиш, шунингдек, ўзаро манфаатларни ифода этувчи минтақавий ва халқaro муаммоларнинг муҳокама қилиниши қаламга олинган. Газетанинг таъкидлашича, расмий Қоҳира ва Тошкентнинг Яқин Шарқ муаммолари ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги вазият бўйича нуктаи назарлари бир-бирига жуда яқиндир.

(Давоми 2-бетда).

2007 йил 14 апрель — НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН, БАЛКИ ЖАҲОН СПОРТИ ТАРИХИ САҲИФАЛАРИГА ЗАРҲАЛ ҲОРИФЛАР БИЛАН БИТИЛДИ. ШУ КУНИ ЎТА ОФИР ВАЗНИ БОКСЧИМИЗ РУСЛАН ЧАГАЕВ ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ — ЖАҲОН БОКС УЮШМАСИ (WBA) ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИ КАМАРИНИ ҚЎЛГА КИРИТИБ, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ НОМИНИ ДУНЁГА ЯНА БИР КАРРА МАШҲУР ҚИЛДИ.



## ЖАҲОН БОКСИ СОЛНОМАСИДА ЗАРҲАЛ САҲИФА

РУСЛАН ЧАГАЕВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Бутун Ўзбекистон аҳли бугун Русланнинг спорт оламида кўрсатган бекиёс жасоратини кенг нишонламоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг Руслан Чагаевга йўллаган табригида таъкидланганидек, биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган муваффақиятларимиз азбаройи диққат-эътибор билан, айни чоғда, астойдил ихлос, истак ва куюнчақлик билан ўзбек боксчиси Руслан Чагаев ва россиялик чарм кўлқол устаси Николай Валуев ўртасида Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлаётган мurosасини жонли кузатмоқда. Мана, нихоят, галаба! Русланнинг — юртимиз ўғлонининг галабаси! Хорижий юрт спорт саҳнида Ўзбекистон байроғи мавж уради, Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Шундай хаяжонли лаҳзаларда кўксимиз тоғдек юксалиб, юракларда чексиз фахр, ифтихор, гурур жўш уради. Офарин, Руслан! Балли, алп ўғлон!

Русланнинг галабаси юртимизда кўплаб соҳалар сингари спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ўзининг салмоқли самарасини бераётганига яна бир исботдир. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбияси устувор вазифа, деб белгиланган. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина барпо эта олади. Миллат салооматлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган дунё таърибасида кузатилмаган уч боксчи узлуқсиз спорт тизимининг кашф қилиниши юртимизда соғлом авлод вояга етаётганидан, эртанги кунимиз эгаларининг илғи тўқ, суяғи бакуват бўлишидан далолатдир.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларидан иборат бу тизим биринчи синф ўқувчиларидан то олий ўқув юртлири талабаларигача қамраб олган.

Ўзбекистон — кураги ерга тегмаган полвонлар, мард ва баҳодирлар юрти. Истиклол туфайли спортчи йигит-қизларимизнинг донги китъаларо бўлимоқда. Шаҳарларимиздан тортиб энг чекка қишлоқ жойларида ҳам оммавий спорт ўйинлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатлар туфайли, бир томондан, диёримизда соғлом авлод вояга етмоқда, иккинчи томондан, ёшларимиз орасидан минг-минглаб моҳир спортчилар етишиб чиқмоқда.

Мамлакатимизнинг тобора юксалиб бораётган куч-қудрати, салоҳияти ана шу эгчил ва бакуват спортчиларимиз дунё спорт майдонларида эришаётган галабалар мисолида ҳам яққол намойиш бўлмоқда. Бугун ўзбекининг болалари дунё майдонларида юрт байроғини баланд кўтариб, Ватан мадҳиясини баралла янграмоқда.

Бунга Руслан Чагаевнинг мардонавор галабаси яна бир ёрқин мисолдир. Зотан, бугун олтин камарни тақиб, бутун дунёга ўзи тугилиб ўсган юрт доверугини, Ўзбекистон халқининг матонати, шижоати, салоҳиятини кўз-кўз қилиб турган Руслан Чагаев профессионал боксга ўтаётганида, вақти келиб, албатта, жаҳон чемпионлигини кўлга киритишга ва она Ватани — Ўзбекистон номини улуглашга ваъда берган эди. У ўз лафзидида турди.

Руслан 1978 йилнинг 19 октябрида Андижон шаҳрида туғилган. Дунёга машҳур Андижон бокс мактаби тарбияланувчиларидан. У 1991-1997 йилларда Андижондаги олимпиада ўринбосарлари билан юртида тахсил олган.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Андижон заминидида шу элнинг муносиб фарзандлари, янги авлод вояга етмоқда. Заҳиридин Бобурнинг киндик қони томган табарқур гўша аҳлининг онгу тафаккурида шу тупроқ, шу муқаддас замин меники, мен учун Ўзбекистондан бошқа Ватан йўқ, она юртимнинг бугунги ва эртанги кунини авлод менга боғлиқ, деган хис-туйғулар тобора кучайиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда).

## РУСЛАННИНГ УЛКАН ГАЛАБАСИ!

### БОКС БЎЙИЧА ЎТА ОФИР ВАЗНИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСЛАН ЧАГАЕВГА

Қадрли Руслан ўғлим! Сени эришган улкан галабанг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бутун Ўзбекистон аҳли бугун сенинг спорт оламида кўрсатган бекиёс жасоратини байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган сендек ўғлонимизнинг тарихий галабани кўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Сенинг ҳалол ва мurosасини курашлар остида ўтган гоят кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва азму шижоатини яна бир бор намойиш этганинг ва шу тарика ўзбек спортини ва жаҳон бокс соломасида янги, зарҳал саҳифа очишга эришганинг барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай мард ва баҳодир йигитини — Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихорини вояга етказган оила аъзоларинг ва яқинларингга, устоз ва мураббийларингга самимий миннатдорлик билдираман.

Сени яна бир бор қўлаб, янги-янги зафар ва омадлар тилаб қоламиз.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Бугун, ҳаётимизда энг қувончли кунда, ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун танли боксёр Николай Валуев билан беллашувда голиб чиққаним туфайли чексиз хурсандчилигимни Сизга изҳор этмоқчиман.

Бир неча соат олдин Штутгартдаги спорт мажмуида Ўзбекистон давлат мадҳияси тантанали равишда янгради.

Биз, спортчилар, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга Сиз нечоғли катта эътибор ва ёрдам бераётганингни яхши биламиз. Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон вакиллари кўп карра Осиё, жаҳон, Олимпиада ўйинлари чемпионлари бўлди. Бокс бўйича Ўзбекистон тарма жамоаси билан учрашув чоғида билдирган эзгу тилак ва доно маслаҳатларингиз ҳамон ёдимда. Ана шу ғамхўрлик натижасида Ўзбекистон вакили профессионал спортда илк бор жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди. Мамлакатимиз ҳақли равишда жаҳоннинг бокс ривожланган давлатлари қаторига қўшилди.

Мен ўз галабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спортни шайини ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ. Ҳар бир галабамдан сўнг қадрдон юртдошларим, устозларим, маҳалламиз оқсоқллари билан учрашув учун жонажон Андижон сари ошиқаман.

Хурматли Ислом ота, Сизнинг ишончингизни оқлаш учун, Ўзбекистон байроғи турли мамлакатларнинг стадионларида тез-тез юқори кўтарилиши учун бор куч ва иродамин сафарбар этаман, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. Келгусида ўзининг таъриб ва маҳоратини ёш боксчилар тайёрлаш ишига бағишлаш ниятидаман. Зеро, спорт ёш авлодга жонажон мамлакатимиз мустақиллигини муносиб ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Фарзандлик хурмат-эҳтироми билан,  
Руслан ЧАГАЕВ  
2007 йил 15 апрель

## БАРЧАГА ҚУВОНЧ ВА ГУРУР БАҲШ ЭТГАН ГАЛАБА



ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ — ЖАҲОН БОКС УЮШМАСИ (WBA) ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЎТА ОФИР ВАЗН ТОИФАДАГИ БАҲСДА ҲАМЮРТИМИЗ РУСЛАН ЧАГАЕВНИНГ РОССИЯЛИК НИКОЛАЙ ВАЛУЕВ УСТИДАН ЭРИШГАН ГАЛАБАСИ БУТУН МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИГА ЧЕКСИЗ ФАХРУ ИФТИХОРИ, ҲАЯЖОН ВА ХУРСАНДЛИК БАҒИШЛАЙДИ.

Р.Чагаев Германиянинг Штутгарт шаҳрида эришган ушбу улкан галабага бағишланган тадбирлар — турли учрашувлар, спорт мусобақалари, концертлар 15 апрель кунини эрта тонданок бошланди. Уларда иштирок этганларнинг кўзида қувонч, дилида фахр-ифтихор туйғулари, қўллариди давлатимиз байроғи. Бу хаяжон ва гурур шиорларда ҳам ўз аксини топган: «Ўзбекистон фарзанди — жаҳон боксининг кироли!», «Руслан! Сен бизнинг фахримизсан!»

Ўзбек йигити Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийганида халқимиз ана шундай хаяжонли дамларни бошидан кечирган эди. Энди Руслан Чагаев дунёдаги энг зўр боксчи эканини олам аҳлига исботлади. Ўзбек ёшлари, Ўзбекистон фарзандлари юксак салоҳиятининг доверуги яна етти иклимга ёйилди.

(Давоми 3-бетда).

ЭХРОМЛАР МАМЛАКАТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФНИ КЎТАРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мақолада таъкидланганидек, ташриф доирасида Ўзбекистон раҳбари ва Миср президенти Хусни Муборак билан бўладиган музокаралар асосида бундан ташқари «Ал-Фад» («Эртанги кун») газетасида ҳам «Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўли» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда ўқувчилар эътибори Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида муваффақиятли амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга қаратилади.

Мақолада, жумладан, Тошкент ва Қоҳира савдо-иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида таъкидланган. 2007 йилнинг март ойида Ўзбекистон пойтахтида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳуқуматлараро комиссиянинг бешинчи йилги йиллик йўналиш ҳақидаги маълумоти таъкидланган. Олий даражадаги ташриф арафасида Миср опера театри билан «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» номи фотокўрсатма ва ўзбек санъаткорларининг маданий дастурлари мамлакат аҳолиси ва меҳмонлари эътиборига ҳавола этилган ҳам мазкур мақолада қайд этилган. Газета ушбу тадбирларнинг савдо-иқтисодий ва сармоий ҳамкорлиги кенгайтириш имкониятларини ўрганиш мақсадида Мисрда келган Ўзбекистон ишбилармон доирала-

ри делегацияси ташрифига уланиб кетганини таъкидлайди.

«Ал-Алам ал-Явум»да Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг олиб борилиши мавзусига бағишланган материал ҳам чоп этилган бўлиб, унда Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёни муваффақиятли давом этаётгани, шунингдек, хорижий сармоядорларга қўлай шарт-шароитлар яратилгани ҳақида сўз боради. «Ўзбекистонда банк-молия тизими тез суръатлар билан ривожланмоқда», деб алоҳида таъкидлайди газета.

Мисрнинг етакчи газеталаридан яна бири — «Рўз ал-Йусуф»да Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсига бағишланган «Тошкент — Исрол маданияти пойтахти» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда Ўзбекистон раҳбарининг Тошкентга ислом маданияти пойтахти, деган юксак унвонинг берилиши ислом цивилизацияси ва маданиятини ривожлантиришга ўзбек халқи қўшган улкан ҳиссининг эътирофи бўлганини ҳақиқатга фикр-мулоҳазаларига ургу берилган.

Мақолада Ўзбекистон ҳукумати маънавий-тарихий қадриятларни қайта тиклаш ва ислом маданияти ёдгорликларини қўзғовчи асраб-авайлашга қатта эътибор қаратаётгани алоҳида таъкидланади.

«Жаҳон» АА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Касба сатрларда

•КЕЧА Тошкент Транспорт касб-ҳунар коллежида Маънавият тарғибот марказининг Чилонзор тумани бўлими ташаббуси билан «Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гивандлик ва жонига қасд қилишнинг олдини олиш» мавзусида ўтказилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

•МИРОБОД Политехника касб-ҳунар коллежида уюштирилган «Олти эшиклар кўни» тадбирида туман мактабларининг юқори синф ўқувчилари қатнашди.

•БУГУН Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида Республика Қизил Ярим Ой жаҳишти, «Қамолот» ЎИҲ туман бўлимида ҳамкорликларидан «Саломатликнинг ёш дўстлари» деб номланган кўрик-танловнинг туман босқичи ўтказилди.

•КЕЧА «Тошкент-Лада» очик акциядорлик жаҳиштида Маънавият тарғибот марказининг Чилонзор тумани бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деб номланди.

•БУГУН Юнусовид туман ҳокимлигида туман

ҳокимлиги, Маънавият тарғибот марказининг шаҳар ва туман бўлими ҳамкорликларидан «Тошкент — ислом маданияти маркази» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда туман фаоллари иштирок этишди.

•БУГУН «Дедам силк Род» меҳмонхонасида ноҳиравий масалалар билан шуғулланувчи ноҳиравий тажрибот жамоати ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

•КЕЧА Ўзбекистон Давлат архиви ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

•ИЖТИМОЙ ҳимоя йили муносабати билан Собир Раҳимов туманида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 22 нафар аъзоси ўзaro ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жаҳиштининг Собир Раҳимов туман бўлими ҳомийлигида Семашко номидаги санаторийида беғул даволанадиган бўлди.

•СЕРГЕЛИ туманидаги 322-мактабда буюк саркар ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 671 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда ўқувчиларга «Темур тузуклари» асарининг маънавий-маърифий аҳамияти батафсил тушутирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

ТЕМИРГА БОЙ УННИНГ НОНИ — САДОМАТЛИК ГАРОВИ

Бойитилган ун ёки нон қанақа бўлади? Гўшти ёки ичига жицца солинганими? УНИСИ ҲАМ, БУНИСИ ҲАМ ЭМАС. ВИТАМИНЛАР, ТЕМИР МОДДАСИ, ФОЛИЙ КИСЛОТАСИ ВА БОШҚА МОДДАЛАР ҚЎШИЛГАН УН БОЙИТИЛГАН ҲИСОБЛАНАДИ. БУЛАР ҲАҚИДА КЎПРОҚ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛИШИМИЗДА, БУ МАСАЛАНИНГ ДОИМ ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛИШИ ҲАМДА УН МАҲСУЛОТИНИ ФОРТИФИКАЦИЯЛАШДА МАТБУОТНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС. МАЗКУР МАВЗУНИ ЁРИТИШДА ЭСА БИР НЕЧА ЙИЛДАН БУЕН ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАЙДИ.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида унни бойитиш бўйича Миллий дастур доирасида ўтказилган «Журналистлар учун учинчи миллий мукофот» танлови шартларининг тақдироти ўтказилди.

Танловнинг асосий мақсади тегишли сиёсий мажбуриятлар ва дастурларни қабул қилиш ҳамда бойитилган ун ва нон маҳсулотларига барқарор истеъмолчилик талабини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистонда озқувчий микроэлементлар танқислиги ҳамда анемия муаммоларини ҳал этишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборатдир. Жорий йилда танлов мавзуси янада кенгайтирилиб, телевидение, радио ва босма ОАВ орқали аҳоли ўртасида йодланган тузнинг фойдали хусусиятлари тўғрисида маърифий ишларни олиб боришга қўшган ҳиссаси учун янги номинация эълон қилинади.

Ҳўш, унни бойитишнинг қандай зарурияти бор? Бугун шундоғам турли хил витаминлар, темир ва рух моддасининг манбаи ҳисобланади. Аммо кўпгина микроэлементлар доннинг ташқи қатламида жойлашган бўлиб, қайта ишлаш жараёнида аксарият қисми йўқолиб кетади. Бундан ташқари, сўнгги йил ичида дон экинлари таркибидеги фойдали микроэлементлар қиққ фойздан кўпроқ микдорда қисқариб кетди. Шунинг учун ҳам озқувчий микроэлементларни унга қўшиш зарурияти пайдо бўлди. Темир танқислиги жаҳондаги глобал муаммолар сирасидан ҳисобланиб, мазкур муаммонинг хали тўла ҳал этилмаганлиги натижасида ҳар кун дунёда ўрта ҳисобда уч юз нафар аёл темир моддаси етишмаслиги сабабли туғиш пайтида вафот этмоқда. Беш юз нафар чақалоқ фойдали кислотаси танқислиги туфайли туғма нуқсонлар билан дунёга келмоқда.

Мамакатимизда микроэлементлар танқислиги муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда 2001 йилдан бошлаб Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда лойиҳа ишлаб чиқилиб, 14 та ун ишлаб чиқариш корхонаси унни витаминлар аралашмаси ва минераллар билан тўйинтириш учун мўлжалланган дозалар билан жиҳозланди. Ўзбекистонда унни бойитиш бўйича Миллий дастур 2003 йилда ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш учун Овқатланишни яхшилаш Глобал альянсининг грантини қўлга киритди. Бу дастур республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Удонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки томонидан оғизли жорий қилинмоқда.

Мазкур танлов бойитилган озқувчиларнинг инсон саломатлиги учун нақадар фойдали эканлиги ҳақида матбуот билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

ХУСОН СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс»

лашган Гиза водийсидаги эҳромлар дунёнинг етти мўъжизасидан биридир. Миллий иқтисодийдаги даромаднинг муҳим қисми халқаро сайёҳликдан келадиган тушумлар ҳисобига шаклланади. Сўнгги йилларда мамлакатда сайёҳлик жадал суръатларда ривожланмоқда. 2005 йили Мисрда 8,6 миллион хорижий сайёҳ ташриф бурган.

МАР — Араб давлатлари лигаси (бош қароргоҳи Қоҳирада жойлашган), Африка иттифоқи, Исрол конференцияси ташкилоти ва Қўшилмаслик ҳаракати аъзосидир.

Маълумки, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги алоқалар тарихи кўп асрлик ўтмишга бориб тақалади. Миллодан аввалги 3-2 минг йилликларда Буюк Иппак йўлининг тармоқларидан бири — «Лаял йўли» Икки дарё (Амурдарё ва Сирдарё дарёлари) оралиги ҳамда Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари, хусусан, Мисрда яшаган халқлар ўртасида сав-

тарихий ва маданий алоқалар мустаҳкам бўлганлигидан рўй-рост далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида дипломатия алоқалари 1992 йил январь ойида ўрнатилди.

Ўзбекистон ва Миср муносабатларининг янги босқичи хусусида тўхталар эканмиз, ўзаро алоқаларнинг изчил ривожланиб бораётганини қайд этиш лозимдир. Ўзбекистон Президенти Исрол Каримов 1992 йилнинг декабрида Мисрда бурун расмий ташрифи бундай муносабатларни ўрнатишда энг муҳим қадам бўлди. Мазкур ташриф давомида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасидаги режалар белгилаб олинди ва ўз тасдиғини тоғди, икки томонлама муносабатларнинг шартнома-ҳуқуқий асоси яратилди. Жумладан, Ўзбекистон ва Миср ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ва асослари тўғрисидаги шартно-

ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ АРАФАСИДА

до ва маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Мисрда ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятига, унинг жаҳон ва ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссасига нисбатан катта ҳурмат ва эҳтиром мужассамдир.

Айниқса, мисрликлар буюк ўзбек математиги ва астрономи Аҳмад ал-Фарғонийни (798-865 йиллар) алоҳида қадрлашади. Маълумки, бу бобоқалонимиз ўз умрининг сўнгги йилларини Қоҳирада (Фурсатда) ўтказган. Унинг раҳбарлигида Нилда сув сатҳининг ўзгаришини олдиндан билиш учун махсус қурилма — Нилометр, яъни Миқёс ан-Нил бунёд этилади. Уни яратиш ишлари 861 йилда ўз нихоясига етказилган. Нилометр Мисрда сув захираларидан оқилонга фойдаланишда катта ўрин тутган ва у бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

«Нилометр» Нил дарёсидаги Рада оролчасининг жанубий чеккасида жойлашган ва кейинроқ шаҳар ҳудудиغا қиритилган. Иншоот ҳали-ҳамон пойтахтнинг диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб келади. Миср пойтахтида ҳозирга қадар «Ҳадика-тул Ўзбекия» («Ўзбеклар боғи») ва «Хай ал-Ўзбекия» («Ўзбек даҳаси») номи билан аталадиган жойлар бор. Бу ерлар бир пайтлар Буюк Иппак йўли бўйлаб ҳаракат қилган қаровонлар тўхтаган қадим масканлар бўлган. Ушбу далиллар мамлакатларимиз ўртасида

ма, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Ҳозирги пайтда йигирмадан ортиқ икки томонлама ҳужжатлар амал қилмоқда.

Мамакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар «Сармоияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида», «Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида», «Ҳаво катнови тўғрисида», «Иккиёқлама солиққа тортишдан қочиш ва даромадга солиқ солишдан бунинг товланиши» олдини олиш тўғрисида» ва «Савдо тўғрисида»-ги битимлар билан тартибга солинмоқда.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳуқуматлараро комиссия икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожининг амалий механизми бўлиб хизмат қилмоқда. 2007 йилнинг 1-3 март кунлари Тошкентда у ўзининг бешинчи йиллигини ўтказди.

Айни пайтда икки томонлама савдо айланмаси ҳар икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий соҳасидаги имкониятлари даражасида, деб бўлмайди. 2006 йилда бу кўрсаткич 3,6 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Ўзбекистон Мисрда қалава ип, газлама ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилса, Мисрдан дори-дармон, эфир ёғи ва қиммат маҳсулотларини импорт қилади. Ўзбекистонда мисрлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланадиган «Блу

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА

ТАДБИРКОРЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН МОЛИВИЙ КЎМАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, ЯНГИ ЦЕХ ВА ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШДА, ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБОРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛМОҚДА.

Тадбиркорлик

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Пойтахтимизда бир неча йилдан бунён фаолият кўрсатаётган «HOLOS» маъсуляти чекланган жаҳишти ҳам ана шундай имкониятдан самарали фойдаланиб «Ўзприватбанк»дан 2002 йилда 409 минг евро микдорда кредит олишга муваффақ бўлган эди. Бу, албатта, цехларни замонавий техника ва дастгоҳлар билан жиҳозлашда, зарур хом ашёни келтиришда муҳим ҳисса бўлди. Натихада корхонада замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган полипропилен қопларнинг ўнлаб турлари хорижа ҳам экспорт қилинмоқда. Улар орасида Болгария, Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея, Буюк Британия сингари давлатларнинг борлиги корхона эришаётган муваффақиятларини яққол кўрсатиб турибди.

Корхона йилига 6 миллион погон метр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлиб, 2002 — 2006 йилларда 3 миллиард сўмликдан зиёд полипропилен қоплар буортмачиларга етказиб берилди. Экспорт ҳажми ҳам буюртмалар асосида йилдан йилга орташиб бормоқда. Йирим кимё заводлари ва бошқа компаниялар асосий буюртмачилар сирасига кириди.

«Навоийазот», «Аммофос», «Электроримексанот» акциядорлик жаҳиштлари ана шундай харидорлардан саналади.

— Ишлаб чиқарилаётган полипропилен қопларимиз сифатини таъминлашда, — дейди корхона бош директо-

ри Даврон Юсупов, — бизга Россия ва Туркиядан олиб келинаётган хом ашё қўл келмоқда. Жорий йилда ҳам ички бозорни таъминлаш баробарида Буюк Британия оролларида маҳсулотларимизни экспорт қилишни режаланганимиз. Келгусида эса янги йўналишлар бўйича цехлар ташкил этиб, ўнлаб одамларни иш билан таъминлашни кўзлаб туришимиз.

Тадбиркорларнинг ана шундай режаларидан бири кафе-плиталари ишлаб чиқариш бўлса, гишт заводини ишга тушириш эса иккинчи мақсадларидир. Асосий ният эса бунёдкорлик ишлари қўламага муносиб ҳисса қўшиш, четдан келтириладиган ана шундай маҳсулотларни камайтириб, иқтисодий ривожда ўз улушларини таъминлашдир.

Корхона тадбиркорлари ҳаётдаги яна бир муҳим воқеа хусусида тўхталадиган бўлсақ, улар Президент соҳибининг учун ўтказилган «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг Яққасарой туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича 1-урини эгалладилар. Танловнинг шаҳар босқичида ҳам муваффақият билан иштирок этиб, фахрли 3-ўрин соҳиби бўлишди.

Албатта, эришилаётган ютуқларнинг барчаси қилинаётган сай-ҳаракат натижасидир. Шу боис ҳам «HOLOS» тадбиркорлари айни кунларда ҳам «Харакатда баракат» нақлига амал қилишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

Миллий дастур — амалда

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»-ГИ ҚОНУН, ҚАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ, МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, УНИНГ ЎҚУВ-МЕТОДИК ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ШУНИНГДЕК, РЕПУБЛИКА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИДАНДИР.

Мақтабга таълим узлуқсиз таълим тизимининг дастлабки босқичи сифатида эътироф этилади. Мақтабга ёшда ҳосил қилинган тушунича, билим, кўникмалар малака тарзиде шаклланиши, таърибага айланиши учун аниқ мақсадга йўналтирилган тизим ва муттасил равишдаги таълимий жараён талаб этилади. Мурғак бола шахсида илк инсоний хислатларнинг куртак олиши, энг содда тасаввурларнинг қадим-бақадим шаклланишида ўз касбининг нозик жиҳатларини мукаммал эгаллаган мутахассисларнинг малакаси муҳим аҳамият касб этиши бутун жамоатчиликка маълум.


2004-2009 йилларда Мақтаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳам таълим муассасаларида фаолият юритувчи педагогларнинг касбий тайёрилиги, малакаси, педагогик масалаларида зарур билим-кўникмаларга эга бўлишини тақозо этади. Шу жиҳатдан мақтабга таълим муассасаси педагогларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлашни ташкил қилиш, услубий, педагогик ва зифаларини ҳал этиш, курслар мазмунининг сифатини яхшилаш, курслар самарадорлигини таъминлаш таълим тизими мутахассисларининг диққат марказида.

Зиро зеро бу борада фақат ҳамкорликдаги ишнинг қўтилган натижаларини бериши, шубҳасиз. Жойларда педагоглар касб тайёргарлигининг давлат талаблари даражасида бўлишида малака ошириш курсларининг туман (шаҳар) халқ таълими бўлими, мақтабга таълим муассасаси раҳбарлари билан бевосита ҳамкорлик, узвийлик катта аҳамиятга эга. Жумладан, тингловчиларнинг давлатидан тартиб курсдаги фаолиятига, маърузалар сифатидан тартиб тингловчиларнинг курсдан сўнгги шахсий иш режалари мавзуларига, ўтказилган тест натижаларидан тартиб малака оширишдан сўнгги ҳисоботга барча тадбирлар қўтилган самарасини беришида ҳамкорликнинг ўрни беқийсдир.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида туманлар халқ таълими бўлими мақтабга таълим мутахассислари, мақтабга таълим муассасалари раҳбарлари, малака ошириш институтида тахсил олаётган тингловчилар институт раҳбариятининг ҳамкорлигида ўзига ҳос семинар-тренинг ташкил этилади. Тренинг ташаббускорлари институтнинг мақтабга, бошланғич ва махсус таълим кафедрасида.

Зуҳра ФАЙЗИЕВА, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мақтабга бошланғич ва махсус таълим кафедрасида қўтувчиси





МЯШРИҚЗАМИН—ХИКМАТ БЎСТОНИ

Ганийга чопон киймак андоқдукрим, муфлисга атласу катон киймак. Бойнинг чопон кийгани-ю, камбағалнинг атласу катон (каноп—тўхилган либос) кийгани ҳеч нарса ни ўзгартирмайди.

Хар амрки бўлса, гояти бор, Хар мухликанинг ниҳояти бор. Хар бир ишнинг охири бор, хар қийинчиликнинг ниҳояти.

Хар жамоатдаки йўқдур пешво, Бўлгай эрматур қадам урмоқ раво. Бошқарувчиси бўлмаган жамиятга аралашши янглишдир.

Харза эрур чунки мушбабид сўзи Уз тилини, кўрки, кесар ҳам ўзи. Найрангбознинг сўзи беҳуда сўзлардир. Шунинг учун у ўз тилини ўзи кесади.

Хар кишиким бировга қозғай қоҳ, Тўшқай ул чоҳ ўза ногоҳ. Бировга чоҳ қазсанг, ўзинг йқилурсан.

Хар кишиким, ростни беҳост дер, Айтса ёлгон доғи эл рост дер. Хар вақт чин сўзлаша ўрганган киши беихтиёр ёлгон сўзласа ҳам, одамлар рост дейдилар.

Хар киши ёлгонни деса лек кам, Бўлгай эди қош, бу давронда ҳам. Бу давронда ёлгон сўзламовчиларни топиш қийин, ҳеч бўлмаса ёлгонни камроқ сўзловчилар топишса қоши эди.

Хар кишиким, ҳинду ўлур ҳазл аро, Юзини қилмоқ керак аввал қаро. Қизикчилик учун ҳиндиларга ўхшамоқчи бўлган киши олдин ўз юзини қорға бўшаи керак.

Хар кишинингким, сўзи ёлгон эса, Айлама бовар нечаким чин деса. Ёлгон сўзларга ўрганганлар ўз сўзларини хар қанча чин десахар ҳам ишонма.

Хар кимгаки, илм қилу қоли бўлмас, Илм аҳлига сўз дерга мажболи бўлмас. Хар кимки илмсиз бўлса, илм аҳлига сўз айтишга қудрати бўлмайди.

Хар кимсаки айламас ошқумоқни ҳаёл, Яфронги ифак қилур, чечак баргини бол. Хар бир ишда шошмовчи чидамли киши, япроқдан ипак, гул баргиндан асал ундириши мумкин.

Хар кимсаки, бухл иртиқобидур анинг, Гар бўлса ганий, бухл азобидур анинг. Бахил киши бой бўлса ҳам, доим азоба бўлади.

Хар кимгаки, даҳр ичда донолик эрур, Ҳилм ила иш анга мажлосорлик эрур. Ширинлик, ёқимлилик билан мажлис олиб борувчилар донолардир.

Хар кимки, ачқк бўлди сўзи, анфоси, Бор сўбатидин халқинг истиғноси. Сўзи, нафаси ачқиг кишининг сўбатидан ҳам халқ қочади.

Хар кимки, биров билан ёрдур, керак ўзига раво тутмагани ёрига тутмаса. Биров билан дўст бўлган киши ўзига муносиб кўрмагани дўстига ҳам муносиб кўрмаслиги керак.

Хар кимки, чўчүк сўз элга изхор айлар, Хар нечаки агёрдурур, ёр айлар. Ширин сўз бўлган киши душманни ҳам дўст қила олади.

Хар кимгаки, эгриликка овоздурур, Туз жодда ичра йўлидин озадурур. Эгриликда шуҳрат толганлар тўғри йўлда ҳам йўлдан адашади.

Хар неча мазлум сўзи топса тул, Тули ҳаёт истасанг, ўлма малул. Эзилганларнинг сўзлари хар қанча чўзилса ҳам, кўп яшай десаң, уларнинг сўзларини оғир олмай тингла.

Хар неки етар санга лисон оғриғидин, Билгилки, қатигдурур синон оғриғидин. Тилдан етган озор найза озоридан ёмондир.

Хам сўз ила элга ўлимдан наҳот, Хам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт. Халққа ўлимдан қутулиш сўз билан мумкин бўлганидай, ўлик таннинг тирилиши ҳам сўздандир.

Ҳимматсиз киши эр сонда эмас, Ва руҳсиз бадани киши тирик демас. Ҳимматсиз, ғайратсиз киши мард киши деб ҳисобланмайди, жонсиз гавдани ҳеч ким тирик демайди.

Хикмат аҳли олдида совуқ сифат йўқ кимсада, Субҳи қозибдек маҳалсиз айлаган кулгу кибди. Олим кишилар назарида ўринсиз кулгидан хунжроқ бир камчилик йўқ. Ўринсиз кулгу ёлгончи тонг (субҳи қозиб) каби совуқдир.

Ҳилм инсон вужудининг фавоқилғи боғидур, Одамлиғи оламининг жавоҳирлиғи тоғи. Мулоимлик—инсон вужудининг мевалик боғидир, у одамгарчилик оламининг қимматли тошларга эга бўлган тоғидир.

Хусну жамолсиз киши, ширинкалом эса, Сайд айлар элни, нукта фасоҳат била деса. Кишининг хусну жамоли бўлмаса ҳам, сўзлари ширин бўлса, ундай одам элни ўз томонига торта олади.

Хунар аҳли ани дегилки бўлгай, Узани қилса ўз олинда маълоб. Уз камчиликларини сезиб, ўзини танқид қилувчилар доно кишилардир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Маданият масканларида

БОҒЛАРИМИЗНИНГ ФАЙЗУ ТАРОВАТИ ОШМОҚДА

ШАҲРИМИЗ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛИБ, ЧАМАНЗОР БОҒУ БЎСТОНГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. ҲАШАМАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ, КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАР, АНВОЙИ ГУЛЛАР, ЯШИЛ АРҚАЗОРЛАРГА БУРКАНГАН ХИБОНЛАРУ БОҒЛАР ҲУСНИГА МАҲЛИЁ БЎЛИБ, ШУНДАЙ ЖАННАТМАКОН ЮРТ ФУҚАРОСИ ЭКАНЛИГИМИЗДАН ҚАЛБИМИЗ ФАХР ВА ФУРУРГА ТЎЛАДИ. МАНА БАҲОР ФАСЛИДА ҲАММАЁҚ ЯШИЛЛИК, ГУЛ-ЧЕЧАКЛАР БИЛАН БЕЗАНДИ. АЙНИҚСА, ШАҲРИМИЗДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ БАҲОР ЁМФИРЛАРИДАН СЎНГ ЯНА ҲАМ ЯШНАБ ФАЙЗУ ТАРОВАТИ ОШИБ, ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ ЎЗ БАҒРИГА ЧОРЛАМОҚДА. ХЎШ, ШАҲРИМИЗ КЎРКИ ВА ФАЙЗИ БЎЛГАН МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИМИЗ БУ ЙИЛГИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

— Дарҳақиқат, баҳор бошланиши билан ҳамшаҳарларимиз маданий ҳордиқ чикариш учун оилалари билан боғларга ташриф буюришади. Хар йилдагидек маданият ва истироҳат боғлари жамоалари бу йилги мавсумга қизгин тайёргарлик кўришди,— дейди биз билан сўбатда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасининг маданият ва истироҳат боғлари бўйича мутахассиси Эргаш Машаев.— Айтиш жоизки, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфида 11 та маданият ва истироҳат боғлари бўлиб, улар шаҳримиз аҳолиси ҳамда пойтахтимиз меҳмонлари ёзининг иссиқ кунларида кўнглили дам олишлари учун хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб барча боғларда хар шанба, якшанба кунлари хашарлар уюштирилиб, уларнинг худуди чикиндилардан тозаланиб, ободонлаштирилди. Бугунги кунда шаҳримиздаги мавжуд маданият ва истироҳат боғларининг умумий майдони 158,76 гектарни ташкил этади. Шундан 19,14 гектари сув

ҳавзаларидан иборат, 97,25 гектар майдонларга эса кўк майса ва чим ётқизилган. Суний сув ҳавзаларининг сатҳи шу кунгача тозаланиб, сув билан тўлдирилди. Боғларимизни кўм-кўк дарахтларсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Уларнинг умумий сонни ҳозирда 30813 тупдан иборат. Шулардан ҳозиргача 6587 туп дарахтлар буталаниб, уларга шакл берилди ва оқланди. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2006 йил 24 октябрдаги хати икросини таъминлаш юзасидан боғларни кўжалмадорлаштириш бўйича иғнабаргли дарахт кўчатларини ўтказиш режасига мувофиқ боғларимиз майдонларига 1185 туп осона, 2240 туп можжевельник, 655 туп иғна баргли дарахт кўчатлари ўтказилди. Наврўз умумхалқ байрами барча боғларда юқори савияда кенг нишонланди. Ҳозирги кунда боғлар жорий йил мавсумига тахт қилиб қўйилди. 21 апрель кунини Фафур Фулом, Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий боғи, Мирзо Улугбек, Бобур, Абдулла Қодирий номидagi маданият ва исти-

роҳат боғларида мавсум очилади. 22 апрелдан эса Зафар Дийёр, «Гўлшан», «Оймомма», Утега боғи, Фурқат ҳамда янги Сергели боғлари янги мавсумни бошлайди. Мазкур маданият ва истироҳат боғларида мавсум олдидан майдонлар, хибонлар, саҳналар, ракс ва спорт майдонларининг санитария ҳолатини талаб даражасига келтириш, ўриндиқларни ва чикинди ташлаш қутилари буюкдан чикариш, бош аллеялар ва йўлаклар атрофларига бир йиллик ва кўп йиллик гул кўчатлари ўтказиш ишлари амалга оширилди. Болалар ўйингоҳларини таъмирлаш, бўяш ва техник кўриқдан ўтказиш ишлари баҳариди. Шунингдек, йил давомида ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатадиган охионалар ва савдо шохбачалари расталари тартибга келтирилиб, мавсумга шай қилинди. Жорий йил давомида боғларимизда жами 100 дан ортиқ хар хил турдаги катталар ва болалар аттракционлари ва 50 дан ортиқ турли хил ўйин қурилмалари дам олувчиларга хизмат кўрсатади. Мақсадимиз халқимиз сўлим боғларимизда маданий дам олиб, баҳридли очилсин, жажжи кичкинтойларимиз кўнж аттракционларда яйраб-қувнаб ўйнашсин.

Боғлар ҳақида гап боргудек бўлса, сир эмас, Фафур Фулом номидagi маданият ва истироҳат боғининг файзол ва доимо гавжуллигини эътироф этиш мумкин. Нега айнан бу боғ доимо ҳамшаҳарларимиз билан гавжум. Бу ҳақда мазкур боғ раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов қуйидагича жавоб берди. — Жамоамиз аввало боғда тоза-



лик, орасталлик, ободончиликка катта эътибор қаратган. Боғимиз ямғирил дарахтлару арчалар, гуллардан иборат. Шунингдек, ёзининг иссиқ кунларида мовий кўл каттаю кичик-ка хўзур бағишлайди. Мавсум олдидан боғда кенг кўламда ободонлаштириш, кўжалмадорлаштириш ишлари олиб борилди. Боғдаги мавжуд 20 дан ортиқ боғлар ўйингоҳлари, эстрада ва болалар майдончалари, қайиқ бекетида бўяш, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунинг ҳам айтиш кераки, боғда болалар учун жонли бурчак ташкил қилинган бўлиб, 50 га яқин турдаги ҳайвон ва қушлар мавжуд. Булардан ташқари бу ерда шахмат-шашка, волейбол ва соғломлаштириш клублари, болалар учун кўбирчоқ театри фаолият олиб боради. Буларнинг бари каттаю кичикни боғимизга чорлайди, албатта. Боғимизга йил давомида нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки пойтахтимиз меҳмонлари ҳам ташриф буюришади. Биз

халқимизнинг маданий ҳордиқ олиб, мазмунли дам олишлари учун доимо камарбаста бўлишга ҳаракат қиламиз. Ҳа, дарҳақиқат «Яшли дам — меҳнатга ҳамдам» деган гап бежиз айтилмаган. Шундай гўзал ва сўлим, хўшманзара гўшаларда мазза қилиб дам олганга нима етсин. Ҳа, азизлар, шаҳримиз маданият ва истироҳат боғлари бизни кутмоқда. Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғларидан лавҳалар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

Очқк аукцион савдоларига таклиф этади. Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очқк аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда: Тошкент шаҳар Юнусобод туман суд икросчилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2006 йил 17 июлдаги 10-06/6453 сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 37-ўйда сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари нарҳи арзонлаштирилган ҳолда такрорий аукцион савдоларига қўйилмоқда: 1.«Мидибус-М-249» русумли, давлат рақами 10АУ 959 бўлган, 2000 йилда ишлаб чикарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси — 11 899 201,50 сўм. 2.«Мидибус-М-249» русумли давлат рақами 10 АУ 957 бўлган, 2000 йилда ишлаб чикарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси.

га қадар мунтазам равишда ўтказилади. Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдо залда ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида икрос ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй, телефонлар: 399-79-52, 399-84-48. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 № 000004

ООО «MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI»

приглашает на открытые аукционные торги на повышение, которые состоят 24 апреля и 1, 8 мая 2007 года в 15.00 в здании «MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI» по адресу: г. Ташкент, Ц-14, д. 19 (2-й этаж). На торги выставляются:

- 1. Имущественный комплекс ликвидируемого АО «Охангаронлипласт», которое расположено в промышленной зоне г. Ахангарана, Ташкентской области Стартовая цена 3 804 600 000 сумов. На предприятии установлено оборудование, имеющее производственную мощность на выпуск в год 4300 тыс. кв. м линолеума, 23000 тыс. к. м различной пленочной продукции, 200 тонн полиэтиленовых труб, а также 500 тонн различной продукции, изготовляемой из пластмассы. Краткая характеристика зданий: общая площадь — 23,0 га, площадь здания и сооружения — 18,6 га, производственная площадь — 4,3 га; — 4 караульных помещения площадью: 9,12 кв. м, 10,56 кв. м, 9,42 кв. м, 26,52 кв. м; — 7 производственных цехов и 4 производственных здания площадью: 273,7 кв. м, 53,11 кв. м, 1012,05 кв. м, 1273,3 кв. м, 12767,5 кв. м, 122,83 кв. м, 172,8 кв. м, 6210,9 кв. м, 313,73 кв. м, 172,63 кв. м, 43,68 кв. м; — здания 11 складов площадью: 914,86 кв. м, 336,42 кв. м, 402,28 кв. м, 203,7 кв. м, 673,5 кв. м, 89,79 кв. м, 97,44 кв. м, 162,56 кв. м, 301,66 кв. м, 74,71 кв. м, 742,14 кв. м; — 3 водоема площадью: 207,36 кв. м, 106,79 кв. м, 114 кв. м; — 3 двухэтажных здания площадью: 665,82 кв. м, 298,87 кв. м, 982,8 кв. м; — 11 навесов площадью: 320,76 кв. м, 76,7 кв. м, 17,1 кв. м, 443,05 кв. м, 419,56 кв. м, 510,3 кв. м, 987,6 кв. м, 66,24 кв. м, 22,18 кв. м, 115,2 кв. м, 24,36 кв. м; — 18 зданий по снабжению площадью: 46,75 кв. м, 33,86 кв. м, 45,48 кв. м, 29,78 кв. м, 20,7 кв. м, 27,04 кв. м, 14,52 кв. м, 48,06 кв. м, 44,46 кв. м, 85 кв. м (двухэтажное), 14,56 кв. м, 28,32 кв. м, 75,64 кв. м, 13,96 кв. м, 2251,1 кв. м (трехэтажное), 1871,5 кв. м (двухэтажное), 9,24 кв. м, 42,78 кв. м; — здание ГСМ — 103,84 кв. м, бункер — 414 кв. м, кран — 581,41 кв. м, магазин — 105,09 кв. м, библиотека — 262,08 кв. м, подземное водохранилище — 398,37 кв. м, автохозяйство — 614,84 кв. м, здание столовой — 403,63 кв. м.

«Тошкент оқшоми» газетасининг 11 апрель 2007 йил № 69-сонда чоп этилган эълондаги Тошкент шаҳар Сергели тумани Дўстлик кўчасида жойлашган савдо-майиший хизмат ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган сатҳи 0,06 га бўлган ер участкасининг бошланғич баҳоси 5.295.324 сўм деб ўқилсин.

Миробод тумани ҳокимлиги туман Коммунал таъмирлаш, тиклаш-авария хизмати директори Тошмурод Исмаилов ИСМОИЛОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изхор этади.

Иккинчи Республика тиббиёт коллежи жамоаси мазкур коллежинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Сайёра Усаровна Магдиеванинг волидан муҳтарамаси РОБИЯ ЯНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изхор этади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 306

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплаб илтимосларига мувофиқ бутун апрель ойида цирк манежида «Хайвонлар карнавали» дастирунинг намойиши давом этади. Болалар ва катталар, шошилиг, шошилиг!!! Томошалар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 2007 йил 17 апрель соат 18.00 да Премьера Эдуардо де Фелиппо «ТУН АЛБАТТА ҲАДА» (Неаполь-город миллионер) драма САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁР: АЛЕКСАНДР ГАМИРОВ ТАРЖИМОН: ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ШОИРИ УСМОН АЗИМ РЕЖИССЁР: МЎБОРАК МАДАДИМОВА САҲНАЛАШТИРУВЧИ РАССОМ: ШУҲРАТ АБДУМАЛИКОВ ЛИБОСЛАР БЎЙИЧА РАССОМ: СЕВАРА ЗУННУНОВА МУСИКАЛАРНИ ШУҲРАТ НУРАЛИЕВ ТАЛАНГАН РЕЖИССЁР ЁРДАМЧИСИ: ҚАҲРАМОН БОЛТАБОВ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси М.Улугбек туман Кенгаши Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг туман Ахборот-маслаҳат маркази билан ҳамкорликда «XXI аср тадбиркор ва ишбилармонлар асри» мавзусида давра сўхбати ташкиллаштирмоқда. Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек туманида фаолият юритувчи барча тадбиркорлар ва ишбилармонлар 2007 йил 23 апрель соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59-уй (2-қават) 201-хонада ўтадиган туман партия Кенгашининг давра сўхбатига таклиф этилади.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6